

ГЛОБАЛ МАСШТАБДАГИ ҚАРЗДОРЛИК МУАММОСИ- XXI АСРНИНГ ФЕНОМЕНИ СИФАТИДА

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Б.Ташбаев*

Аннотация: Давлат ички ва ташқи қарзлари, Жаҳон молиявий бозори, Ялпи ички маҳсулот, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ташқи қарзлари, Бюджет тақчиллиги ва уни қарзли молиялаштириш, Халқаро мезонлар, Таҳлил натижаси бўйча давлат қарз сиёсати ва уни самарадорлигининг таҳлили тўғрисида илмий таклиф ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар: *Давлат бюджет, суверен, кредит, Давлат ички қарзлари, Давлат ташқи қарзлари, қарзлар, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Корпоратсия, Молия, Банк.*

ПРОБЛЕМА ГЛОБАЛЬНОГО ДОЛГА - ЯВЛЕНИЕ XXI ВЕКА

Аннотация: Научные предложения и выводы по анализу политики государственного долга и ее эффективности по результатам анализа, международного долга и финансирования заемного капитала, международного долга, долга и его финансирования.

Ключевые слова: *государственный бюджет, суверенный, кредит, внутренний долг, государственный внешний долг, долг, Международный валютный фонд, Всемирный банк, Корпорация, Финансы, Банк.*

THE PROBLEM OF GLOBAL DEBT AS A PHENOMENON OF THE XXI CENTURY

Annotation: Scientific proposals and conclusions on the analysis of public debt policy and its effectiveness on the results of the analysis, International Debt and Debt Financing, International Debt, Debt and its financing.

Keywords: *State Budget, Sovereign, Credit, Domestic Debt, Public External Debt, Debt, International Monetary Fund, World Bank, Corporation, Finance, Bank.*

Кириш

Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи молиявий қарзи кўпинча уларнинг иқтисодиёти ривожланишидаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Улар молиявий тизимларининг заифлиги чет элдан ресурсларни жалб қилишни талаб қилади, аммо экзоген ва эндоген хусусиятларга кўра ташқи қарзни тўлаш жиддий муаммога айланиши мумкин.

Хусусан, жаҳон молиявий бозорининг капиталлашувида энг етакчи ўринни эгалловчи бозор FOREX бозори ҳисобланиб, ушбу бозордаги бажариладиган операцияларнинг умумий йиллик ҳажми 2013 йилда жаҳон савдо ҳажмига нисбатан 400/1 нисбатда бўлган бўлса, 2017 йилга келиб қарийиб 300/1 нисбатни ташкил қилган. Яъни ушбу бозордаги операцияларнинг йиллик умумий ҳажмида пасайиш кузатилган бўлса-да, 2017 йилга келиб жаҳон савдо ҳажмидан 300 баробар кўп бўлган. Жаҳон деривативлар бозорининг капиталлашуви Жаҳон ЯИМга нисбатан қарийиб 8 баробарга кўп нисбатни ташкил қилмоқда.


Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

М. Герсовиц ва Ж. Итонлар томонидан ишлаб чиқилган назария ва эконометрик моделда халқаро молиявий бозорлардан қарз маблағларини жалб қилган камбағал мамлакатлар молиявий хавфсизлик мезонлари таклиф қилинган. Улар молиявий ресурсларга талабнинг қуйидаги омилларини аниқлаганлар: экспортнинг ўзгариши; импортнинг ЯИМга нисбати; ЯИМнинг ўсиш суръатлари; тўлиқ реал ЯИМ; аҳоли сони; қарзнинг давлат харажатларига нисбати омиллар аниқланган¹. Ушбу иқтисодчиларнинг фикрига кўра, экспорт салоҳияти ҳисобига олинадиган даромадларининг пасайиши ташқи қарзга бўлган талабни оширади. Аммо мамлакатда шакллантирилган халқаро захиралар қарз олишнинг ўрнини босувчи муқобил манба сифатида фойдаланилиши мумкин. Қарзни тўламаслик зарари халқаро ҳамжамиятнинг иқтисодий санкциялари билан мутаносиб бўлиши керак. Агар ушбу санкциялар янги қарзларни беришга эмбарго кўринишида бўлса, бу қарз олувчиларни жазолашнинг жиддий воситаси бўлиб, улар экспорт ҳажмининг пасайишидан кўра кўпроқ хавф туғдириши мумкин.

¹ M. Gersovits va J.Eaton. Debt with potential Repudiation // Review of economic studies, 1981.- Pp.289-309.

Иқтисодчилар Ж. Сакс ва Д. Коэнлар давлатларнинг тўлов қобилиятини йўқолиши муаммоларини тадқиқ қилганлар. Уларнинг қарашларига кўра, техник дефолт хавфи қарз олувчи давлатларни кредитга лаёқатлилигини оширишга қаратилган сиёсат олиб боришга ундайди. Улар дефолт хавфини камайтириш бўйича кенг спектрдаги чораларни. Жумладан, ХВФ иштирокидаги қарзларни қайта тузишни, хусусан, қисқа муддатли қарзларни узоқ муддатли қарзлар ўрнига алмаштириш билан боғлиқ концерсион операциялар орқали қарзларни бошқариш тизимини таклиф қиладилар.

Иқтисодчи Элвин Хансеннинг фикрича, давлат қарзининг рухсат этилган ҳажмини аниқлашда ялпи ички (миллий) маҳсулот ҳажмига нисбатан унинг миқдорини белгиланиши керак². Ҳозирги шароитда давлат қарзи сиёсати кўламини бағолашда энг оммавий кўрсаткичлардан бири айнан ушбу ёндашувига асосланади. Европа иқтисодий интеграциясини доирасидаги фискал тартибга солиш тизимининг ўзаро келишуви ҳисобланган Маастрихт³ шартномасига мувофиқ.



1-расм. Европа валюта иттифоқига кирувчи мамлакатлар учун белгиланган фискал ва монетар мезонлар⁴

Европа Ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар Европа валюта иттифоқига кирувчи мамлакатлар учун қуйидаги 5 та мезонлар қабул қилинган.

² МартъяновА.В. Представления различных направлений экономической мысли о государственном долге и его влиянии на экономику // Лесной вестник, 2008. №5. С.155-158.

³ 1992 йил 7 февралдаги Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида Белгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Франция ва ГФР мамлакатлари ўртасида шартнома ратификация қилинган.

⁴ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

1.3- расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Европа ягона валюта маконига кирувчи мамлакатлар учун белгиланган фискал мезонлар таркибида бюджет тақчиллиги ва уни қарзли молиялаштириш ҳажмига чегаралар белгиланган.

Унга кўра давлат қарзи ҳажми ЯИМнинг 60 фоизидан ошмаслиги керак. Бироқ, бу мезон фикримизча мутлақо аниқ эмас, чунки Белгия, Италия, Испания, Греция каби давлатларнинг ялпи ички маҳсулотининг 60% дан кўпроғида узоқ муддатли давлат қарзи бор. Иккинчидан, давлат қарзининг структуравий тузилмаси миллий молиявий завфсизликка турлича таъсир этади. Масалан, итчки қарзлар мамлакатдаги миллий даромадни қайта тақсимлаш ва аллокацион вазифаларни бажарса. Ташқи қарзлар миллий даромад ва миллий бойликни хорижий кредиторлар учун қайта тақсимлайди. Қолаверса, ташқи қарзлар миллий валюта курсига бевосита таъсир этади. Шундай қилиб, давлат қарзининг рухсат этилган максимал ҳажми мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, давлат қарзининг ўсиш суръатларига ва валюта таркибига қараб белгиланиши керак.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз мавзуси макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашда Глобал масштабдаги қарздорлик муаммоси- ХХІ асрнинг феномени сифатида масалаларига бағишланганлиги сабабли, аввало, мавзу доирасида тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, мавзунини ўрганилганлик даражаси тадқиқ этилган. Тадқиқот методологияси сифатида иқтисодчи олимларнинг адабиётлари қиёсий таҳлил қилинган ва иқтисодий кўрсаткичларни аҳамиятлигини баҳолашда статистик фаразни текшириш усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон суверен давлат ташқи қарзларининг жаҳон ЯИМга нисбатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилга келиб 0,9 ни ташкил қилмоқда. Яъни суверен ташқи давлат қарзларининг номинал ҳажми жаҳон ЯИМга нисбатан 90 %ни ташкил қилмоқда. Ушбу тенденция суверен қарз сиёсати билан боғлиқ муаммоларнинг кучайиб бориши шароитида ўсиб бормоқда.

Ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган давлатлардаги умумий ташқи қарзлар 2017 йилда тахминан 7,64 трлн. АҚШ долларини ташкил этди ва 2008-2017 йилларда йилига ўртача 8,5 фоизга ўсди.

Ушбу ҳолат ривожланаётган мамлакатларнинг дунё ялпи қарзининг умумий ҳажмидаги улушини 2007 йилдаги 7 фоиздан ўн йил даврда, қарийб 26 фоизга ўсиб борганида ўз аксини топмоқда.

1-жадвал

Ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзи буйича маълумот⁵

(млрд.АҚШ.долл.)

Кўрсаткичлари	2009-2017 йилларда	2014	2015	2016	2017	Йиллик ўсиш суръати 2017/2014	2017/2014 ўсиш суръатлари
Ташқи қарзининг умумий ҳажми	6179,5	7266,7	6798,1	7079,0	7635,3	8,5%	7,9%
Ўзоқ муддатли қарз	4360,2	6913,5	4929,8	5234,4	5613,8	8,0%	7,2%
Давлат ва давлат томонидан кафолатланган қарз, %да	50,1	49,4	49,7	49,3	49,6	7,6%	7,9%
Хусусий кафолатланмаган қарз, %да	49,9	50,6	50,3	50,7	50,4	8,5%	6,7%
Қисқа муддатли қарз	1684,3	2236,6	1752,0	1726,2	1898,5	10,0%	10,0%
Қарз бўйича хизматлар харажатлари	739,5	825,6	844,6	947,1	942,2	6,2%	-0,5%
Қарз кўрсаткичлари, %да							
Умумий қарз/ЯИМ	24,2	25,2	25,1	25,9	25,7	-	-
Умумий қарз/экспорт	95,6	98,8	104,4	114,7	109,9	-	-
Қарз хизматлари буйича харажатлар /ЯИМ	2,9	2,9	3,1	3,5	3,2	-	-
Қарз хизматлари буйича харажатлар /экспорт	11,6	11,2	13,0	15,4	13,6	-	-
Захиралар/қисқа муддатли қарзлар	390,1	310,7	360,8	352,6	339,9	-	-

Худди шу даврда ушбу мамлакатларда ўртача ялпи ички маҳсулот йилига 6,3 фоизга ўсди, бу умумий ташқи қарз ва ЯИМ ўртасидаги нисбатнинг 2008 йилдаги 21,2 фоиздан 2017 йилда 25,7 фоизгача ўсишига олиб келди. 2017

⁵ Ўша ерга қаранг

йилда умумий қарзнинг 74 фоизи узоқ муддатли қарзлардан иборат бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан 3 фоиз даражага пасайишни англатади, ташқи қарзларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли қарзлар улуши 2008 йилдаги 22 фоиздан 2017 йилга келиб 24 фоизга кўпайди⁶. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

2008-2017 йилларда ташқи қарзни тўлаш харажатларининг экспорт ҳажмига нисбати 2011 йилдаги энг паст даражада, яъни 8,7 фоизни, 2016 йилда эса 15,4 фоизни ташкил этган. 2017 йилда ушбу кўрсаткичнинг 13,6 фоизга пасайиши, асосан, 2016 йилнинг иккинчи ярмида ва 2017 йилда ривожланаётган мамлакатлар экспорт товарлари нархларининг тикланиши билан бевосита боғлиқ бўлган. Бунда шундай хулоса қилиш мумкинки, асосий хом ашё товарлари ва углеводород маҳсулотлари жаҳон бозоридаги конъюктурасининг яхшиланиши ва ҳалқаро савдосининг жонланиши аввало ривожланаётган мамлакатлар ташқи савдобаланси ва тўлов қобилиятини яхшиланишига таъсир этади.

2017 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг олтин-валюта захиралари деярли 6,5 трлн. АҚШ доллари, 2008 йилда эса 4,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу даврда йилига 10 фоизга ошиб борадиган қисқа муддатли қарзларнинг тез суръатлар билан ўсиши халқаро захиралар ва қисқа муддатли қарзлар нисбатини 2008 йилдаги 530 фоиздан 2017 йилда 340 фоизгача пасайишига олиб келди. Ривожланаётган мамлакатлар халқаро зарира позициясини пасайиши ушбу мамлакатларда иқтисодиётида кузатиладиган циклик муаммолар билан бевосита боғлиқ бўлган.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари бўйича мажбуриятларнинг мулкчилик тузилмасига келсак, давлат ва давлат томонидан кафолатланган қарзларнинг давлат томонидан кафолатланмаган хусусий қарзга трансформациялашуви тенденцияси кузатилган. Маълумотларга кўра, ушбу тенденция 2000-2009 йилларда умумий ташқи қарзнинг 28 фоизидан 49 фоизгача ўсиб боришида кузатилган.

Умуман ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ушбу тенденция мамлакатларнинг биринчидан инвестицион жозибардорлигини нисбатан барқарорлигига; иккинчидан, реал сектордаги компаниялар рентабеллигининг юқори кўрсаткичи ҳисобига инвесторлар активларини диверсификациясида ушбу мамлакатлар компанияларига қизиқишнинг юқорилиги; учинчидан,

⁶ <https://www.google.com/search?q=forex+trading&oq=forex&aqs=chrome>.

сиёсий барқарорлик ва бизнес муҳити учун яратилаётган кафолатларнинг нисбатан барқарорлиги каби омиллар таъсир этган.

Ривожланаётган мамлакатларнинг қарз кўрсаткичларига Хитойнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам таъсир кўрсатди, чунки бу давлат ривожланаётган мамлакатларнинг умумий қарзларидаги улушини 2009 йилдаги 11,5 фоиздан 2017 йилда 21 фоизгача оширди. Шунинг учун ҳам ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарз сиёсатидаги тенденцияга Хитойнинг ташқи қарз сиёсатидаги тенденция кучли таъсир этмоқда.

2008-2017 йилларда ривожланаётган бозор иқтисодиёти давлатларининг умумий қарздорлиги ўртача 8,5 фоиз даражасида ўсиши билан параллел равишда ЯИМнинг ўсиши ўртача 6,8 фоизни ташкил этди, бу қарзнинг ЯИМга нисбати 2008 йилдаги 18,3 фоиздан 2017 йилда 22,9 фоизгача ўсишига олиб келмоқда. Ушбу ҳолат қарзларни активларга инвестициялашда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи лойиҳаларга жалб қилиш билан боғлиқ фаолиятни бошқаришни талаб қилади. Акс ҳолда юқори қарздорлик келажак авлод учун молиявий юк бўлиб тушиши ва пиропард натижада техник дефолт ҳолатларини юзага келишига олиб келиши мумкин. Лекин юқоридаги тенденциялар ривожланаётган мамлакатлардаги давлат қарзлари сиёсати бундай имкониятлар борасидаги истиқболли прогнозларни пессимистик ёндашувда баҳолашга сабаб бўлмоқда.

Ва ниҳоят, асосий нуқта шундаки, ташқи қарзни қабул қилиш даражасини ошириш сиёсати таркибий чекловлар ва узоқ муддатли инвестиция эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиши лозим.

Ушбу қарашлар давлат молиясининг инструменти бўлган давлат қарзлари қуйидаги хусусиятларига асосланади:

– давлат қарзлари макроқўламда жорий истемолга нисбатан нейтрал инструмент сифатидаги хусусиятига асосланади;

– давлат қарзлари жамғариш нормаси юқори бўлган индивидларга жойлаштирилади (Кейнс концепцияси);

– давлат қарзлари келгусидаги истемолга таъсир этади;

– давлат қарзларининг аллокацион функцияси даромадларни тақсимланиш тизимига таъсир этади

– иккинчидан, давлат қарзларини қоплашнинг манбаларидан бири бўлган солиқлар барча солиқ тўловчилар томонидан тўланади.

– иккинчидан, давлат қарзларини қоплашнинг манбаларидан бири бўлган солиқлар барча солиқ тўловчилар томонидан тўланади.

– давлат қарз сиёсатининг макроиқтисодий самарадорлиги жалб қилинган молиявий ресурслар ҳисобига инвестицион фаолликнинг қўшайиши ва пировард натижада миллий даромад, миллий иқтисодиёт экспорт потенциалининг барқарор ўсиши орқали ифодаланади.

Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ташқи қарзлари туғрисидаги маълумотлар қўйидаги жадвалда кўриб ўтамыз.

2-Жадвал

Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари ташқи қарзлари туғрисидаги маълумотлар

(млрд.АҚШ.долл.)

Кўрсаткичлари	2009-2017 йилларда	2014	2015	2016	2017	Йиллик ўсиш суръати 2017/2014	2017/2014 ўсиш суръатлари
Ташқи қарзнинг умумий ҳажми	1472,5	1571, 4	1446, 7	1520, 4	1610, 9	3,6%	5,9%
Ўзоқ муддатли қарз	1182,2	1266, 6	1201, 7	1275, 1	1322, 0	4,1%	3,7%
Давлат ва давлат томонидан ка- фолатланган қарз, %да	37,7	39,6	39,3	37,0	38,0	6,6%	6,3%
Хусусий кафолатланмаган қарз, %да	62,3	60,4	60,7	63,0	62,0	2,9%	2,2%
Қисқа муддатли қарз	247,2	277,0	215,6	215,6	255,9	1,6%	18,7%
Қарз бўйича хизматлар ҳаражатлари	230,7	252,7	240,2	234,5	244,5	1,0%	4,2%
Қарз кўрсаткичлари, %да							
Умумий қарз/ЯИМ	43,2	39,1	47,2	51,8	49,4	-	-
Умумий қарз/экспорт	142,0	128,2	154,1	177,7	159,8	-	-
Қарз хизматлари бўйича ҳаражатлар /ЯИМ	6,9	6,3	7,8	8,0	7,5	-	-
Қарз хизматлари бўйича ҳаражатлар /экспорт	22,7	20,6	25,6	27,4	24,2	-	-
Захиралар/қисқа муддатли қарзлар	303,2	250,5	301,8	307,3	288,5	-	-

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, ташқи қарзнинг умумий ҳажми 2014 йилда 1571,4 млрд.долларни ташкил этган бўлса, 2017 йилга келиб 1610,9 млрд.долларга етган. Ўзоқ муддатли қарз 2014 йили 1182,2 млрд.доллардан 2017 йилга келиб 1322,0 млрд.долларга ўсган. Давлат ва давлат томонидан кафолатланган қарз 2014 йили 37,7% ни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 38,0% ни ташкил қилган. Хусусий кафолатланмаган қарзлар 2014 йилда 62,3%ни ташкил этиб, 2017 йилга келиб 0,3 % пасайган. Қисқа муддатли қарзларнинг ҳажми 247,2 млрд.долларни ташкил этиб, 2017 йилга келиб 255,9 млрд.долларга ошган. Қарз бўйича хизматлар харажатлари 2014 йилда 230,7 млрд.доллар бўлиб, унинг ҳажми 2017 йилда 244,5 млрд.долларни ташкил этган.

Давлат қарз сиёсатининг ижтимоий самарадорлиги ижтимоий неъматларни давлат томонидан тақдим этишнинг сифат кўраткичларига боғлиқдир.

Шундай қилиб, давлат қарзи ҳар қандай давлатнинг иқтисодий тизимида муҳим рол ўйнайди ва унинг молиявий тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг жаҳон молия тизимига жадал интеграциялашуви шароитларида давлат қарзининг хавфсиз даражада бўлиши мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Халқаро мезонларга кўра, ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи (кейинги ўринларда — давлат қарзи) “мўътадил” даражада бўлсада, Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинглари барқарорлигини ҳамда давлат қарзининг хавфсиз даражада бўлишини кафолатли таъминлаш механизмларини яратиш бугунги кун талаби бўлмоқда.

Бунда, давлат қарзининг йиллик лимитларини белгилаш, давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни танлаб олишда уцувор йўналишларни белгилаш, уларнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш ва лойиҳалар натижаларини баҳолашнинг шаффоф ва самарали механизмларини жорий этиш устувор вазифа ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, ривожланиб келаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари бўйича мажбуриятларнинг мулкчилик тузилмасига келсак, давлат ва давлат томонидан кафолатланган қарзларнинг давлат томонидан кафолатланмаган хусусий қарзга трансформациялашуви тенденцияси ўрганилди

Халқаро андозалар асосида давлат қарзини бошқариш тизимини такомиллаштириш, давлат қарзини макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаб туриш ҳамда жалб қилинаётган қарзлардан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишни таъминлаш мақсадида қуйидагилар амалий тавсия сифатида тизимлаштирилади:

1. Давлат қарзини бошқаришнинг ўрта муддатли стратегиясини мамлакатдаги макроиктисодий ўзгаришлар ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши мақсадга мувофиқ;

2. Халқаро валюта жамғармасининг меъёри асосида Ўзбекистон Республикасида макроиктисодий барқарорликни таъминлаш учун давлат қарзининг максимал даражаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоиздан ошмаслиги лозим;

4. Давлат қарзига ўз вақтида ва тўлиқ хизмат кўрсатилишини кафолатли таъминлаш;

5. Давлат қарзини макроиктисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаб туриш, диверсификациялаш ва давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларининг ошиб кетиш хатарларини пасайтириш мақадга мувофиқ.

6. Давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ва техник-иктисодий асос ишлаб чиқишни талаб этмайдиган дастурларни (кейинги ўринларда — дастур) уларнинг ижтимоий-иктисодий ва стратегик аҳамиятидан ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришдан келиб чиқиб белгилаш зарур. Давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳа ва дастурларнинг натижадорлигини, ўз-ўзини оқлашини, улар амалга оширилиши бўйича маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш орқали қарзлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш.

7. Устав фондида (уцав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдордаги давлат улуши бўлган юридик шахслар ва банкларни босқичма-босқич бозор шартларида молиялаштиришга ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. M. Gersovits va J.Eaton. Debt with potential Repudiation // Review of economic studies, 1981.- Pp.289-309.
2. Мартянов А.В. Представления различных направлений экономической мысли о государственном долге и его влиянии на экономику // Лесной вестник, 2008. №5. С.155-158.
3. 1992 йил 7 февралдаги Нидерландиянинг Маастрихт шаҳрида Белгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Франция ва ГФР мамлакатлари ўртасида шартнома ратификация қилинган.
4. Ташбаев Б.Ў. Бюджет дефицити ва уни қарзли молиялаштириш механизмини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2021. – 134 б.
5. <https://www.google.com/search?q=forex+trading&oq=forex&aqs=chrome>.
6. <http://www.gov.uz>- (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий сайти).
7. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти).
8. <http://www.stat.uz> (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сайти).